

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 79 (10.384)

2005 ЙИЛ 23 АПРЕЛЬ

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

22 апрель куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкентнинг Ватанимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётида, давлат бошқаруви ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди.

Пойтахтимизда республика ялли ички маҳсулотининг қарийб 14 фоизи ишлаб чиқарилмоқда ва 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмида маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Энг нуфузли илм-зиё масканлари шу ерда жойлашган. Шаҳар маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юрtdошимизда ҳавас ва гурур уйғотади.

Бугун Тошкент том маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Кейинги йилларда барпо этилган муаззам ва бетакор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб муҳташам иморатлар шаҳримиз кўрғига кўрк кўйиб турибди. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча майдон ва мавзелари қатори Эски шаҳар худудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, пойтахтимизда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг кундалик турмушига ҳамнафас, ҳамдард бўлиши, уларнинг ҳаётини муаммоларини ечишга масъул, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билиши зарур бўлган идора — шаҳар ҳокимлиги раҳбариятининг аввало ҳамшаҳарларимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва бошқариш борасида қурб, масъулияти ҳамда жавобгарлиги етишмаяпти.

Мисол учун, шаҳардаги кўпқаватли уйларни бошқариш масаласи кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, 20 миллиард сўмдан ошиб кетган.

Телефон хизмати кўрсатиш бўйича дебиторлик қарзи эса 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга nisбатан б 6 фоизга ошган.

Якка тартибда фаолият юртадиган тадбиркорлар билан ишлаш ҳам қониқарли эмас. Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш билан боғлиқ ишларни назорат қилиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликларидан ошна-оғайнигарчилик, ўзбошимчилик, ҳатто порахўрлик ҳолатлари учраб турибди.

Давоми 5 -бетда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Авваламбор, бугун сиз, Тошкент шаҳар халқ ноиблари ва жамоатчилиги вакиллари билан кўришиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-этиромим ва эзгу тиллақларимни изхор этмоқчиман.

Муҳтарам депутатлар!

Ўзбекистоннинг қайси бурчагида бўлмасин, мана шундай учрашувларни мен юртдошларимиз, турли соҳа вакиллари билан мулоқотда бўлиш, бугунги ҳаётимизнинг барча томонлари, мавжуд муаммолари ва уларни ечиш ҳақида атрофлича фикр алмашиб олишнинг яна бир воситаси деб биламан.

Айниқса, азим пойтахтимиз Тошкент аҳолиси билан бўладиган ҳар галги учрашувни - очик айтишим керак — мен ўзим учун алоҳида муҳим воқеа сифатида қабул қиламан. Нега деганда, қадимий тарих ва бекиёс салоҳиятга эга бўлган бу шаҳар бутун мамлакатимиз ҳаётини кўзгудек акс эттиради. Тошкент аҳлининг дунёқарши ва кайфияти кўп жиҳатдан эл-юртимизнинг руҳи ва кайфиятини муҳассам этади, десам, уйлайманки, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Ҳеч кимга сир эмаски, халқимиз пойтахтда рўй бераётган ижтимоий жараёнларни доимо катта қизиқиш билан кузатади ва уларнинг бутун мамлакат ҳаётига бевосита таъсир кўрсатишини яхши англайди. Чунки Тошкент барчамиз учун аввало мустақил давлатимизнинг гўзал пойтахти, мамлакатимизнинг юраги, таъбир жоиз бўлса, Ватанимизнинг муқаддас остонасидир. Жаҳон аҳли учун она диёримиз билан танишув авваламбор ана шу остонадан бошланади. Шу маънода, Тошкентнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас, албатта. Тошкент — биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиш ва тамойиллари, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, узоқ ва яқин келажакка мўлжалланган режалар айнан мана шу ерда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Тошкент республикамиз иқтисодий кучдоратининг шаклланиш ва тикланиш жараёнида доимо мустаҳкам пойдевор бўлиб келган. Ҳозирги пайтда иқтисодиётимизнинг қайси соҳасини олмайлик - бу оғир ёки енгил sanoat бўладими, мудофаа соҳасини ташкил қиладиган корхоналар ёки энг юксак технологиялар асосида фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқариш қувватлари бўладими — Тошкент буларнинг барчасини ўзига муҳассам этган улкан индустрия марказига айланган, иқтисодиётимизнинг жуда катта улуши айнан пойтахтимизга тўғри келади.

Бугунги кунда бу ерда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг қарийб 14 фоизи ишлаб чиқарилаётгани ва бир ярим миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинаётганининг ўзи ҳам бунни тасдиқлайди.

Тошкентда энг йирик, замонавий корхоналарни ишлатиш ва бошқаришга, уларнинг келажакни таъминлашга профессионал нўқтаи назардан қодир бўлган кўпмингли ва кўпмиллатли ишчилар аҳли, билимдон менежерлар, мутахассислар, мана шундай завод-фабрикаларни бунёд этадиган қурувчилар борлиги билан ҳар қанча гурурлансак арзийди, албатта. Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Энг нуфузли илм-зиё масканлари — Фанлар академияси, етакчи олий ўқув юртлиари, фан ва маданият марказлари, театр ва музейлар, кўргазма заллари, кутубхоналар қаерда жойлашган — пойтахтимиз Тошкентда. Албатта, вилоятларимизда ҳам бундай даргоҳлар кўп, лекин уларнинг ишини мувофиқлаштириш, уларга намуна бўлиб, кўмак берадиган таянч ташкилотлар асосан пойтахтимизда фаолият юртади.

Тошкентнинг меҳнаткаш, бағрикенг, ҳамшиша изланиб, келажакка интилиб яшайдиган халқи ҳар қандай ҳурмат-этиромга муносиб.

Айниқса, бу азим шаҳарда нуруний оқсоқоллар, давлат, жамоат арбоблари, ўз вақтида эл -юртга муносиб хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган кўпглаб мўтабар инсонларнинг яшаётгани ҳам пойтахтимизга ўзига хос фойз ва тароват бағишлайди.

Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва гурур уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, аъналаримиз давомийлигини асраб келаятгани ибратлидир.

Давоми 2,3,4 -бетларда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ А.Х.ТЎХТАЕВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ А.Х.ТЎХТАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев бошқа ишга ўтганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.М.ШОАБДУРАҲМОНОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Мавзурович Шоабдураҳмонов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 апрель

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Ҳасанович ТЎХТАЕВ

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев — 1956 йилда туғилган, ўзбек, маълумоти олий, мутахассислиги — муҳандис-қурувчи.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг 159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармасида уста сифатида бошлади. Кейин шу бошқармада омилкор, катта омилкор, бош муҳандис, бошлик, «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг «4-қурилиш трести» акциядорлик жамияти раиси бўлиб ишлади. 1996-1999 йилларда — Шайхонтохур тумани ҳокими, 1999-2001 йилларда — Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосари, 2001-2004 йилларда — Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бўлган. 2005 йилнинг январидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари бўйича мажмуа раҳбари лавозимидан ишлаган.

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

Давоми. Боши 1-бетда.

Миллий ҳаёт тарзимиз, урф-одат ва удумлар, дунёвий ва диний кадрятларни жой-жойига қўядиган бундай одамлардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Шахсан мен шундай оқсоқоллар ва фалоллар билан суҳбатда бўлганимда кайфиятим қандайдир кўтарилиб, кўнглим ёришиб кетади. Шунча йил бу шаҳарда ашаб, раҳбар бўлиб ишлаб қалбимда доимо шундай туйғуни ҳис қилиб келаман ва менинг Тошкентга бундай қарашим, муносабатим ва муҳаббатим асло ўзгармайди.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизнинг бош шаҳри бўлмиш Тошкент, мамлакатимизнинг худдики уриб турган юраги ва шу ердан туриб бутун Ўзбекистонимизнинг томир уришини яққол сезиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда Тошкент том маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Пойтахтимизда кўпгаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, лицей ва коллежлар, болалар учун спорт масканлари ишга туширилганига, янги йўллар ва кўприклар қурилиб, майдонлар ва хиёбонлар, истироҳат боғлари тубдан реконструкция қилинаётганига барчангиз гувоҳ бўлмоқдасиз.

Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт аҳлига, ишончим комилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди. Сўнги бир-икки йил ичида миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб мухташам иморатлар айниқса шаҳримиз кўрмига кўрк қўшиб турибди.

Мен бугун бу тўғрида, яъни шаҳримиз қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётгани ҳақида кўп гапирмоқчи эмасман. Лекин, фурсатдан фойдаланиб, фақат битта мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча майдон ва мавзелари қатори Эски шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётганидан сизлар хабардорсиз, албатта.

Ўзингизга маълумки, Эски шаҳар кўп йиллар мобайнида эски ва ночор қиёфада қолиб келди. Бу ҳудуддаги аҳвол инқилобдан кейин ҳам, Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва ундан сўнг ҳам амалда ўзгармади.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолат одамни беихтиёр хайратда қолдиради.

Ўзбекистон табиий газ макони бўла туриб, улкан газ қувурлари орқали Бухоро ва Қашқадарё конларидан олиннадиган газ билан собиқ иттифокнинг барча марказларини таъминлаб турган бир пайтда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида 90-йилларгача газ у ёқда турсин, ҳатто водопровод қувурлари, кўп жойларда канализация ўтказилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Энг ачинарлиси, ҳатто 1966 йилги зилилдан кейин Тошкентни тиклаш ва қайта қуриш бўйича амалга оширилган ишлардан ҳам шаҳарнинг бу қисми яна четда қолаверди. Бу ерда на шаҳар-созлик, на ободончилик масаласида бирон-бир жиддий иш бажарилмади.

Кўпчилик пойтахт аҳли қатори эллик йилдан буён Тошкентда яшайдиган инсон сифатида мен ҳам буну кузатаман. Бундай пайтда одам беихтиёр ажабланиб, ёқа ушлайди: бу, Эски шаҳар аҳлининг нима айби борки, бундай шароитда яшаш керак?

Ўйлайманки, бундай ҳолат ўзини шу шаҳарнинг фуқароси, шу шаҳарнинг фарзанди деб билладиган ҳар қандай одамни хижолат ва ташвишга солмасдан қўймайди.

Шунинг учун ҳам биз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб Тошкентнинг тарихий маркази бўлган Эски шаҳарни буюк ўтмишимизга, шу ерларда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида обод қилиш, уни пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси билан уйғунлаштиришни ўз олдимизга вази-

фа қилиб қўйдик.

Шу мақсадда 90-йилларнинг охирига келиб, Сағбон, Қорасарой ва Форобий кўчалари тубдан қайта қурилиб, магистраль йўлларга айлантирилгани, тангу тор кўчалар кенгайтирилиб, таъмирлангани, ушбу ҳудудга табиий газ ва канализация тармоқлари ўтказилгани ҳам сизларга маълум.

Бирок, очиқ тан олиш керак, бу ишлар мавжуд аҳволни бутунлай ижобий томонга ўзгартиролмади. Шу маънода, биз Эски шаҳар аҳолиси олдидида ҳали-бери қарздормиз. Шунинг учун ҳам бугун иқтисодийимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиши билан шу оғир муаммони ечишни давом эттирдик, қисқа давр ичида бу йўлда дастлабки амалий қадамлар қўйилди.

Бундан Эски шаҳар ҳудудидида 500 нафар опа-сингилларимизни иш билан таъминлаган «Сағбон-текстиль» қўшма корхонаси, ҳар сменада 300 кишини қабул қиладиган оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшлар маркази, 3 та болалар боғчаси, 4 та стадион, 12 та маҳалла гузари, 5 та маросимлар уйи, маънавият ва маърифат масканлари, кўпгаб маиший хизмат шохобчалари қуриб битказилиб иш бошлагани ҳам кўрсатиб турибди.

Шулар қаторида, Шайхонтохур туманининг Қоратош мавзесида хорижий ҳамкорлар иштирокида 350 ишчи ўрнига эга бўлган замонавий тикув ва тўқув фабрикаси, Акмал Икромов туманининг Саккокий кўчасида ҳам худди шундай фабрика қурилиб, ишга топширилиш арафасида.

Бунга қўшимча қилиб, «Чевар» акциядорлик жамияти негизда германиялик ҳамкорлар билан пийтоқ фабрикаси ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар сармосия иштирокида полиэтилен қоплар тайёрлайдиган корхона қуриш бўйича амалий ишлар қилинаётганини ҳам айтиш лозим.

Барчамизга аёнки, Шарқда азалдан бозор халқ турмуш даражасининг, хонадон ободлиги, дас-турхон тўқинлигининг кўзгуси бўлиб келган. Шу сабабли Тошкентнинг асосий бозори бўлмиш Чорсу бозорида қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари бошланиб, изчил давом эттирилмоқда.

Сўнги пайтда бу ерда 560 ўринли кийим-кечак дўконлари, 220 ўринли миллий либос расталари, 500 ўринли сабзавот расталари барпо этилди.

Айни вақтда бозор инфратузилмасини кенгайтириш, савдо маданиятини ошириш, санитария ҳолатини яхшилаш, транспорт қатнови ва йўлларни тартибга солишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини реконструкция қилиш, шу мавзедда яшайдиган аҳоли ва фарзандларимизга хордик чиқариш билан бирга, тарбиявий муҳит яратадиган шароит ташкил қилиб бериш, хориждан замонавий аттракционларни олиб келиб ўрнатиш, атрофни ободонлаштириш бўйича бошлаган ишларимиз ҳам тез кунларда ниҳоясига етади, иншоолло.

Эски шаҳар ҳудудидида экология масаласида ҳам талай муаммолар мавжудлигини барчангиз яхши биласиз.

Бу жойларнинг ҳавоси оғир, айниқса ёз пайтида қандайдир гувор ичида қолиб кетишини ҳисобга олиб, экологик шароитни яхшилаш, таъбир жоиз бўлса, Эски шаҳарнинг кўрагига шабада тегиши учун амалий ишлар қилинмоқда.

Бу қадимий даҳага хос тарихий-маънавий муҳитни сақлаб қолиш мақсадида ён-атрофда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлаш, йўллар четида, бекатларда пала-партиш қуриб ташланган кўрimsиз иморатларни тартибга келтириш, худуднинг умумий ҳолатини тубдан ўзгартириш масаласи ҳам диққатимиз марказида турибди.

Агар эсингизда бўлса, собиқ шўро даврида бетонпарастилик касалига чалинган айрим раҳбар ва мутасаддиларнинг узққни кўролмаслиги туфайли Тошкент шаҳрида нафақат кўча ва майдонлар, балки одамлар эркин нафас олиши, хордик чиқариши учун бунёд этилган оромгоҳлар-

ни ҳам бетон ва асфальт билан қоплаб ташлаш ёмон одатга айланди.

Оқибатда нима бўлди? Жазирама ёз ойларида аҳоли, айниқса кекса ва касалманд кишилар, ёш болалар нафас олишга қийналадиган, уйда димикиб ўтирадиган бўлиб қолди, илгари учрамаган турли касалликлар пайдо бўла бошлади.

Ахир, Тошкентдек иклими ўта иссиқ, ёзда ҳарорат қирқ даражадан ошиб кетадиган шаҳарда шундай иш тутиш калтабинлик эмасми?

Бугун биз ана шу иллатнинг асоратларига барҳам бериш учун шаҳарда, жумладан, унинг марказий қисмида яшил ҳудудлар, дарахтзор ва кўкаламзор майдонларни кўпайтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Йиллар давомида тўпланиб, одамларни қийнаб, шаҳримиз елкасида оғир юк бўлиб келган муаммоларни — улар қанчалик қийин бўлмасин — имкон топиб ечишга ҳаракат қиляпмиз.

Лекин бу масалада ҳам ҳар томонлама узққни ўйлаб иш тутиш лозим. Менинг фикримча, аввало ҳавони кислород билан бойитадиган эман, қарағай, каштан ва қайин каби дарахтларни, одамнинг кўзини қувонтирадиган манзарали бутталарни кўпроқ экиш зарур. Ўзидан захарли моддалар чиқариб, инсон саломатлигига, экологияга салбий таъсир этадиган дарахтларни имкон қадар камайтириб бориш керак.

Табиийки, бундай ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини нафақат Эски шаҳарда, балки шаҳарнинг бетон босган бошқа жойларида ҳам амалга оширишимиз даркор.

Шунинг учун ҳам Бешёғоч майдонидаги Алишер Навоий номи билан аталадиган миллий боғни обод этиш, у ердаги тарихий кўлни тубдан реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Хозирги пайтда Мустақиллик майдонининг манзараси бутунлай ўзгариб, бекиёс чирой очиб бораётганини ҳаммангиз кўриб турибсиз.

Хабарингиз бор, Буюк Турон кўчасининг Марказий универсал магазиндан Космонавтлар проспектигача бўлган қисми, Шароф Рашидов кўчасининг Алишер Навоий кўчаси билан кесишган чорраҳасидан Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган қисмида ҳам яшил ҳудудлар ташкил этилмоқда.

Умуман, ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдончалар ва фавораларни кўпайтириш орқали пойтахтимизга замонавий тус бериш, шу тарихи шаҳарда салқин микроклим вужудга келишини таъминлаш, бу тажрибани бошқа вилоят ва шаҳарларимизда ҳам кенг қўллаш лозим, деб ўйлайман.

Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад — аҳолига фаровон турмуш тарзи билан бирга, ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлашдир.

Токи кун билан ишлаб, уйига чарчаб қайтган инсон атрофдаги сўлим боғлар, шинам хиёбонлар, тинч ва осойишта юртнинг гўзал манзараларини кўриб, бутун чарчоғи чиқиб кетсин. Ёш авлод эса мана шундай жаннатмакон дёрда яшаётганидан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этсин.

Бугун, шу минбарда туриб, яна бир фикрни халқимизга етказишни жоиз деб биламан. Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашни хоҳлаймиз ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин, ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табарруқ заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмочки бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.

Майли, бу кўчатимиз бугун эмас, эртага эмас, балки йигирма, эллик-олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолни бугундан кечикмасдан экишимиз керак.

Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса — бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

Мен айнан шундай ҳаётӣ фалсафа қон-қонимизга, суяк-суягимизга кириб бориши, қалбимиздан чуқур жой топишининг тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман.

Табиӣки, бундай қараш, бундай кайфиятни одамлар онгига сингдириш осон эмас. Бу иш фақат даъват ёки чақирӣқ билан битмайди. Биз ҳаётга шундай муносабатни ёшларимиз юрагига жо этишимиз, бу масалани таълим-тарбия ишининг таркибий қисмига айлантиришимиз зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бундай фикр билан яшаш нафақат давлат идораларининг, балки юртимиздаги барча катта-кичик ташкилотларнинг мақсад-вазифасига, бутун халқимизнинг бурчи ва интилишига айланиши керак.

Аммо бунга эришиш учун пойтахт аҳлининг орзу-ниятларига туртки бериш, одамларни шу эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, сафарбар этиш ва бошқариш авваламбор кимнинг зиммасида бўлиши лозим? Шаҳар ҳокимиятининг зиммасида эмасми?

Биз шаҳар ҳокимияти деганда, содда қилиб айтсак, шаҳар ҳукуматини тушунамиз. Шаҳар аҳолисининг барча қувонч ва ташвишлари, муаммоларни таг-томири билан биладиган, англайдиган ва уларнинг ечимини ҳар томонлама ўзига тасаввур қиладиган идора айнан шаҳар ҳокимияти бўлиши даркор.

Бу ҳокимиятнинг асосий бурчи — пойтахтда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг кундалик турмушига ҳамнафас, керак бўлса, ҳамдард бўлиш, уларнинг ҳаётӣ муаммоларини ечишга масъул бўлиб, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билишдан иборат.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимиз иқтисодийнинг ривожланиши, ички ва ташқи сиёсат масалалари, мудофаа ва ҳафсизликни таъминлаш, Куролли Кучларнинг қурилиши, энг йирик корхоналар фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларнинг барчаси давлатимизнинг марказий идоралари зиммасида.

Бошқача айтганда, стратегик аҳамиятга эга бўлган бу масалалар бўйича масъулият ва жавобгарлик авваламбор мамлакатимиз ҳукумати ва тегишли идораларга юкланган.

Албатта, бу ишларда шаҳар ҳокимиятининг ҳам ҳиссаси бор, бун ҳеч ким инкор этолмайди. Гарчи Тошкент шаҳрида вилоятлардаги каби галла ёки пахта етиштириш, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ ўта мураккаб вазифалар бўлмаса ҳам, лекин пойтахтимизни бошқариш, кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, коммуникацияларнинг самарали фаолиятини таъминлаш — булар ҳам ғоят оғир ва масъулиятли иш эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Катта шаҳарнинг юки ҳам, ташвишлари ҳам катта бўлиши табиӣ. Саноат ёки капитал қурилиш бўладими, хусусийлаштириш, одамларни иш билан таъминлаш, банк-молия ёки савдо-сотик масалалари бўладими — бу соҳаларнинг барчасида Тошкент шаҳрининг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор.

Бирок биз бугун асосий эътиборни ижтимоий соҳага, авваламбор, одамларни қийнаётган, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган асосий муаммоларга қаратсак, ўрилли бўлади, деб ўйлайман.

Бу масалаларда шаҳар ҳокимияти ўзининг зиммасидаги вазифаларни тўла бажариш учун, лўнда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи мустакил ҳолда тортиши керак. Шу нуқтаи назардан бир саволга жавоб излаб кўрайлик: аҳолининг кундалик ҳаётӣ эҳтиёжларига дахлдор долзарб муаммолар бугун Тошкент шаҳрида қандай ечиляпти? Бу ерда тўплаган қолган кўплаг муаммоларни ҳал этишга шаҳар раҳбариятининг қурби, масъулияти ва жавобгарлиги етарлими?

Қўлимизни кўксимизга қўйиб, ҳолисона айтадиган бўлсак, шаҳар ҳокимиятининг бугунги фаолиятдан бу саволларга ижобий жавоб топиш қийин.

Мисол учун, Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйлари бошқариш масаласини олайлик. Ушбу масала шаҳарда кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу биноларни таъмирлаши ва зарур хизматлар кўрсатиши лозим бўлган уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти яқингача бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Тасаввур қилингки, баъзи ширкатлар таркибида 70 тагача кўп қаватли уй бўлган, яъни улар мутлақо бошқариб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган.

Бундай ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари билан ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган. Оқибатда аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 20 миллиард сўмдан ошиб кетган.

Ақсарият ширкатлар томонидан аҳоли билан тузилган шартномалар бажарилмай қолиб кетаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзингиз ўйланг, агар уйда иссиқ ва совуқ сув бўлмаса ёки айтайлик, лифт ишламаса, подвалда сув тўпланиб ётган бўлса, электр ўчиб қолаверса ва бундай ҳолат сурункали тус олса, одамнинг хуноби ошмайди?

Бугунги кунда тез-тез учраб турадиган бундай нохуш ҳолатлар аҳолининг кайфиятига, керак бўлса, ҳокимият ва ҳукумат идораларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, ақсарият ҳолларда аҳоли томонидан тўланаётган маблағнинг асосий қисми ширкат ходимларига иш ҳақи сифатида бериб келинган. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги «Умид коммуналчи» ширкатига ойлик тушумнинг 52 фоизи бошқарув аппаратида, 47 фоизи эса техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақига сарфланган.

Натижада уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш учун маблағ топилмаган.

Масалага шундай нотўғри ёндашув тўғрисида шаҳар бўйича 2002-2006 йиллар мобайнида таъмирлаш мўлжалланган 1991 йилгача қурилган уйлarning 43 фоизиди бу иш бажарилмаган.

Бундай камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари нимада?

Аввало, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тегишли назоратнинг йўқлигида. Яна бир сабаби — ширкатларни бошқариш вазифаси коммунал хизмат соҳасидан узоқ бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганида.

Масалан, Чилонзор туманидаги «Наврўз» ширкатининг раҳбари С.Рашидов фақат ўрта маълумотга эга бўлиб, оддий қоровулликдан дастлаб ширкат бош муҳандиси лавозимига тайинланган, кейинроқ эса ширкат раҳбари бўлиб ишлаган ва тўплаган маблағларни орқа-ўнгига қарамай мақсадсиз сарфлаб юбораверган.

Ўтказилган инвентаризация яқунлари бўйича ширкат раҳбарларининг масъулиятсизлиги тўғрисида турар-жой ҳудудларида ва 7 мингдан ортӣқ уй атрофида ноқонуний равишда қурилган 35 мингдан зиёд гараж ва бошқа объектлар борлиги аниқланди. Уй жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти юзасидан 2003 йил бўйича 24 та, 2004 йил бўйича эса 37 та жиноий иш кўзгатилагани бу соҳада ҳукм сурган нохуш аҳволни кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда бу масала бўйича жорий йил бошида қабул қилинган Президент қарорларига биноан ширкатлар ишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоратadbирлар кўрилмоқда.

Хусусан, мавжуд 822 та ширкатнинг 428 тасида янги раҳбарлар сайланди. Ҳозирги пайтда ширкатлар таркибидаги уй-жойлар сони ихчамлаштирилиб, ҳар бир ширкатга 10-12 та уй ёки 500-600 та хонадон тўғри келмоқда. Лекин бундай ўзгаришлардан мақсад ширкат раҳбарларини номига алмаштириш ёки улар хизмат кўрсатадиган объектлар сонини камайтиришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Буларнинг барчаси, аввало, кўп қаватли уйлardaги одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини оширишга, охиросида аҳолининг оғирини энгил қилишга таъ-

сир ўтказиши даркор.

Шаҳарнинг қон томири ҳисобланган йўлларнинг ҳолати ҳам бугунги кунда кўп жойларда талабга жавоб бермайди. Айниқса, Ақмал Икромов, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманларидаги ақсарият йўллар транспорт катнови учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, баъзи ҳудудларда пиёдалар йўлаклари, ирригация тармоқлари ишдан чиққанга нима деса бўлади?

Шаҳар хонадонларида газ ўлчаш асбобларини ўрнатиш режаси атиги 70,5 фоизга бажарилгани бу муҳим масалага юзак қаралаётганидан далолат беради. Бу соҳадаги аҳвол айниқса Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида ёмонлигича қолмоқда.

Буларнинг барчаси коммунал соҳада ислохотларни амалга оширишда жиддий нуқсонлар борлигини, шаҳар ҳокимиятининг бу йўналишдаги фаолияти қониқарсиз эканини кўрсатади. Аҳолига телефон хизмати кўрсатиш бўйича ҳам Тошкент шаҳрида камчилик ва муаммолар кўплиги, албатта, одамни ўйлантирмасдан қолмайди.

Бу соҳадаги дебитор қарздорлик 2005 йилнинг 1 январигача 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ошган. Таксофон аппаратини ўрнатиш режаси 24 фоизга, магистраль кабелларни капитал таъмирлаш режаси эса 57 фоизга бажарилган, ҳолос.

Шу сабабли ишда йўл қўйган хато — камчиликлари учун Тошкент шаҳар телефон тармоқлари филиали директори ҳамда Собир Раҳимов ва Чилонзор тумани телефон станцияларининг бошлиқлари вазифасидан бўшатилды.

Аммо шу билан бўлди — муаммо ечилди, деб хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Аҳволни яхшилаш, истеъмолчиларни рози қилиш учун аввало хизмат сифатини ошириш, бунинг учун соҳага қўшимча маблағлар, керак бўлса, хориж сармояларини жалб этиш ҳақида жиддий бош қотириш лозим.

Яна бир муҳим масала - яқна тартибда фаолият юритадиган тадбиркорлар бўйича ишларнинг ҳолатини ҳам қониқарли деб бўлмади.

Масалан, ўтган йилда режага нисбатан 2 минг 191 та кам тадбиркор рўйхатдан ўтказилган, белгиланган режа Бектемир туманидан ташқари бирорта туманда бажарилмаган.

Бунинг сабаби нимада?

Асосий сабаб - тадбиркорлар йўлига сунъий ғов-тўсиқлар қўйилаётганида. Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, уларга ер майдонлари ва объектларни қонуний асосда сотиш, жой ажратиш масаласида, савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчаларининг қурилишида кўплаг пала-партиш ишларга йўл қўйилмоқда.

Бу ишларни назорат қилиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликларининг ўзида ошанагайнигарчилик, ўзбошимчилик, керак бўлса, таъмагирлик, порахўрлик ҳолатлари учраб турибди ва бу ишлар бўйича тегишли идоралар албатта ўз ҳулосасини чиқариши зарур.

Шаҳардаги 85 та корхона ўтган йилни қарийб 51 миллиард сўмлик зарар билан яқунлаган. Ҳозирги пайтда 177 та корхонанинг ҳисоб рақамиди маблағ йўқлиги сабабли иш ҳақидан қарздорлик даражаси шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 5,3 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Энг ёмони, бу корхоналарнинг тақдирини нима бўлади, деган масала шаҳар ва туман ҳокимларини, мутасадди раҳбарларни ўйлантирмаяпти.

Бугунги куннинг долзарб масаласи бўлган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳам қатор муаммолар йиғилиб қолган. Албатта, бу борада бир қанча тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётганини эътироф этиш лозим.

Лекин, минг афсуски, бу тадбирлар қутилган самарани бермаяпти. Масалан, ўтган йил давомида шаҳар бўйича ўтказилган 57 та шундай ярмаркада атиги 1 минг 714 нафар одамга йўлланма берилган, ҳолос.

Айниқса, Бектемир, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 минг кишини ташкил этмоқда.

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

Охири. Боши 1,2,3 - бетларда

Аҳвол шундай бўлатуриб, Бандлик жамғармаси ҳисобидан ўтган йил мобайнида янгитдан яратилган иш ўринлари 1 минг 264 тани, яъни эҳтиёбга нисбатан атиги 2,6 фоизни ташкил этгани, табиийки, ҳеч қандай талабга жавоб бермайд.

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши соҳасида ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йили 2003 йилга нисбатан 79 фоиз даражасида қолиб кетганини афсус билан қайд этиш лозим. Янги қурилаётган турар-жойлар ҳудудда тегишли ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳам муаммолар оз эмас.

Масалан, Собир Раҳимов туманининг Мой-кўрғон, Чукурсой ва Охунбобоев мавзеларидаги турар-жойларда канализация ва коммуникация тармоқлари ўтказилмаган, спорт мажмуалари, болалар майдончалари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилмаган.

Шайхонтоҳур туманининг Биринчи Жарарик, Форобий мавзеларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Акмал Икромов туманидаги 30-кварталда кўп йиллардан буён на йўллар, на коммунал хизматларнинг аҳоли талабга жавоб бермайд, баъзи кўп қаватли уйларида лифтларнинг ишламаслиги, электр энергиясининг мунтазам равишда ўчиши, чикинди ва ахлатларнинг ўз вақтида ташиб кетилмаслиги сурункали тус олган ва бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шаҳар бўйича ўтқир юқумли касалликларга чалиниш кўрсаткичлари ортиб бораётгани соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий манзарани кўз олдимизда яққол намоён қилади, деб ўйлайман.

Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гепатит, шу билан бирга, бошқа ўтқир юқумли касалликлар бўйича ҳам кўрсаткичлар салбий томонга ошгани барчамизни ташвишга солиши лозим.

«Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда бундай ҳолатларга чидаб бўлмаслиги барчага аён бўлиши керак.

Қадрли дўстлар!

Тошкент шароитида маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қанчаллик катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Биз мустақиллик йилларида маҳалла тизимини ривожлантириш, дунёда ўхшаши бўлмаган бу бошқарув идорасига янги-янги имконият ва ваколатлар бериш, унинг нуфузини оширишда бошқа ҳудуд ва минтақаларимиз қатори айнан Тошкент маҳаллалари тажрибасига таянганмиз.

Лекин, бугунги кунга келиб шаҳарда бу соҳада ҳам айрим камчилик ва муаммолар борлигидан, таассуфки, кўз юмиб бўлмайди.

Авваламбор, маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласида, уларнинг муаммоларини ечишда маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан эътибор етарли эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада амалий ишдан кўра расмийчилик, хўжакўрсин ишлар кўп.

Баъзи маҳалла оқсоқолларининг шахсий масъулияти, инсоний фазилатлари улар эгаллаб турган лавозимга муносиб эмаслиги ачинарлидир.

Хусусан, нафақа ва моддий ёрдам пуллари тасқимлашда адолатсизлик, таниш-билишчилик, порахўрлик ҳолатларига йўл қўйилганига нима дейиш мумкин?

Бу маҳалла деган муқаддас масканни оёқосити қилиш билан баробар эмасми?

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент шаҳри раҳбариятининг кейинги даврдаги фаолиятини таҳлил қилиб, бундай хато-нуқсонларни, ечилмаган муаммоларни кўплаб келтириш, уларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин.

Бу масалаларнинг ечимини ўз вақтида топиш, Тошкентдек шаҳри азимда яшаётган миллионлаб одамларнинг гаму ташвишлари, муаммоларини енгиллатиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш — бу албатта, биринчи галда шаҳар ҳокимиятида ишлаётган кадрларга, туманларда лавозимда ўтирган раҳбарларга, уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги, билим ва тажрибаси, керак бўлса, фидоийлигига боғлиқ.

Ота-бобомиздан қолган бир нақл борки, шаҳар дегани бедарвоза, эгасиз бўлмайди. Узоқ ва яқин тарихда ҳам, бугунги мураккаб замонда ҳам бунинг айна ҳақиқат эканини кўриш мумкин.

Яъни, шаҳарнинг барча ишларида тартиб-интизом, ҳар қайси вазифани изчиллик билан бажариш, қарорлар қабул қилишда аҳоли билан, маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат, бир ёқадан бош чиқариб иш тутиш, одамларни бўлаётган ўзгаришлардан доимо хабардор қилиб бориш — бу ҳозирги даврнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Шундай талабларга жавоб бермаслик ёки уларга бепасанд қараш, бу борада қандайдир яққоҳимлик ёки ўзбошимчаликка йўл қўйиш — бугунги кунда кечириб бўлмайдиган ҳолат. Бундай номаъқул ҳолатни замон кўтармайди.

Бугун раҳбар бўлиш ўзи осон эмас. Бу — ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш. Бу иш раҳбарлик вазифасида ўтирган одамдан, бошқа фазилатлар қаторида, аввало ирода бақувватлиги ва иймон бутунлигини талаб қилади. Чунки раҳбар зотини доим таъкиб қиладиган бир хатар борки, унинг номини нафс балоси, дейди.

Раҳбарнинг атрофида ҳамиша парвона бўлиб юрадиган чаққон-шоввозларнинг ҳар қандай одамни ҳам гоят усталик билан қўлга оладиган шундай маккор усуллари борки, бундай хушомадгўйликка, мақтов билан алдаб, ўраб олишга қарши туриш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бундай пайтларда ўз нафсини тийиш, шайтон васвасасидан ва таъсиридан ўзини сақлаш, эл-юрт олдида ўз номига доғ туширмаслик, ўйлайманки, бу ҳар қандай одам учун оғир синов.

Азиз дўстлар!

Бугунги бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замонда олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг кундан кунга масъулияти ошиб бораётгани ҳақида кўп гапирамиз. Ва ҳар қандай идора ва ташкилот, корхонада аввало биринчи раҳбарнинг масъулияти, аҳамияти ва моҳияти алоҳида ўрин тугишини барчамиз яхши тушунаемиз.

Ўта оғир ва мураккаб масалаларни ҳал қилиш тўғри келадиган Тошкентдек шаҳарда биринчи раҳбар курсисидан ўтирган инсон ўзининг Худо ато этган ақл-идроки, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатларига эга бўлиш билан бирга, етакчилик қобилиятига, яъни одамларни ўз ортидан эргаштира олишга ҳам қодир бўлиши зарур.

У кенг қамровли тайёргарлиги ва дунёқарashi, шижоат ва қатъияти, керак бўлса, қаттиққўллиги, ўзи бошқарадиган ҳудуддаги барча катта-кичик раҳбар, мутахассис, фаолларни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил эта олиши билан ажралиб туриши керак.

Бугун бу вазифада ўтирган Рустам Шоабдураҳмонов ҳақида гапирганда, бу инсон кўпгина давлат идоралари ва ташкилотларида ишлаб, жумладан, Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари, вазир вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида анча тажриба топиб келган раҳбар, десак, ортиқча бўлмайди.

Охириги тўрт йил давомида у шаҳар ҳаётини бошқаришда, бир қанча ижобий ўзгариш ва тадбирларни амалга оширишда ўзининг хиссасини кўшганини бугун эътироф этишга асосимиз бор.

Лекин охириги пайтда ҳаётнинг ўзи барча раҳ-

барлар олдида қўяётган талабнинг кучайиши билан унинг фаолиятидаги заиф томонлар сезилиб қолди. Бу эса шаҳарни ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалаларда, аввало бу ерда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечишда оқсоқликка олиб келмоқда.

Р.Шоабдураҳмонов фаолиятида айниқса кенг кўламада бошланган ишларни тўла қамраб ололмаслик, уларни охирига етказиш учун изчиллик, қатъият ва талабчанлик етишмаслиги кўзга ташланмоқда, десак, ўйлайманки, сиз, ҳурматли депутатлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Бу масалада бугунги мавжуд бўлган вазиятни ва аҳволни ҳисобга олган ҳолда, Р.Шоабдураҳмонов бошқа ишга ўтказиш илтимоси билан муурожаат қилгани ҳақида сизларни хабардор этмоқчиман.

Буларнинг барчасини инобатга олиб, бугунги сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала бўйича — Р.Шоабдураҳмоновни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш масаласини овозга қўйишни таклиф қиламан ва сиз, ҳурматли депутатлардан бу борада ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент шаҳрининг янги ҳокимини сайлаб олиш масаласига ўтадиган бўлсак, барчамиз яхши тушунаемизки, бундай масъулиятли лавозимга муносиб номзод топиш ўта мураккаб ва оғир масала. Бу ҳақда узоқ ўйладик, бу масалани ҳар томонлама ўргандик, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, кўпни кўрган оқсоқоллар ва фаоллар билан маслаҳатлашдик.

Билдирилган фикр ва таклифларга асосланиб, Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Абдуқаҳҳор Тўхтаев номзодини тавсия этишга қарор қилдик. А.Тўхтаевнинг таржимаи холи ҳақида сизларга — шаҳар аҳли вакиллари га батафсил айтиб бериш, унинг мутахассислиги, қаерда ишни бошлаб, қаерда униб ўсгани, қандай раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилгани, унинг шахсий қобилияти ва имкониятлари ҳақида гапириш ортиқча, деб биламан.

Мен ҳам сизлар қаторингизда кўп йиллар давомида бу инсоннинг фаолиятини кузатиб келаман. Менга шахсан маъқул томонлари — авваламбор, ишнинг негизини билиши ва ҳаракатчанлиги билан бирга, унинг оддийлиги ва камтарлиги, тозаллиги ва одамлилик хусусиятлари ўзига эътиборни тортади.

Ўйлайманки, сизнинг қарорингизга қўйилган бу номзодни шаҳар жамоатчилиги қўллаб-қувватлайди.

Азиз дўстлар!

Бир оддий ҳақиқатни унутмаслигингизни, бу масала доим барчангизнинг эътиборингиз марказида туришини истардим.

Ҳаммамиз яхши билаемизки, раҳбар қандай ақли ва ўткир, чукчур билим ва кенг тажрибага эга бўлмасин, таъбир жоиз бўлса, қанчалик тилла инсон бўлмасин, унинг бир ўзи ҳеч нарсага эришолмайди.

Бугун биз олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш учун туман ва маҳалла раҳбар-етакчилари, оқсоқол ва кайвонилари, шаҳар аҳли ва жамоатчилиги бу раҳбар атрофида жипслашиб, бу ерда ҳамжихатлик ва аҳиллик муҳитини ташкил этиши шарт. Бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги ҳоким ўз ишини энг қуйи поғонадан бошлаб, пойтахтнинг кўпгина қурилиш ва бунёдкорлик ишларида иштирок этиб, замонавий раҳбар даражасигача ўсиб-ўлғайган инсондир.

У юқорида зикр этилган талабларни бажаришга, яъни одамлар билан ўзаро елкадош бўлиб, баҳамжихат бўлиб ишлаш, соғлом муҳит яратиш, азим пойтахтимизни янада тараққий топтириш ва шу тариқа Тошкент аҳлини рози қилишга сиз, азиз депутат ва фаоллар билан биргаликда ўз хиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

Шу йўлда барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор муаммолар йиғилиб қолган. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 минг кишини ташкил этмоқда. Уй-жой қурилиши соҳасида ҳам оқсоқликлар мавжуд. Бошқача айтганда, шаҳарни бошқаришда ташкилотчилик ва талабчанлик бўлашиб кетган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Шоабдураҳмонов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифаси-

дан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Абдуқаҳор Тўхтаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан пойтахтнинг Чигатоё-Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Муминов, Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакили Шоиноят Шоаб-

дирахимов, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти бош директори Вадим Кучеров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Фуқрат Махмудхўжаев Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш пойтахт аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

Фуллом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча жанбалардан олжиган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Фарғона вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикаси қақурув-йиғин пунктига тўпланган ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар эллик уч нафар йиғитни ҳарбий хизматга кузатишди.

• Қашқадарё вилояти далаларида чигит экиш мавсуми якунланди. 164 минг гектардан ошқ майдонга баракка уруғи қадалди.

• Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Фарғона вилояти босқичи якунланди.

• Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигининг муҳим бўғини — шолчиликни ривожлантириш истиқболлари, бу соҳада замонавий агротехник услублардан фойдаланиш ҳамда зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтларга қарши курашни кучайтириш масалаларига бағишланди.

• Тошкентда сувга сакраш бўйича Ўзбекистон чемпионати ҳамда 1991-92 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги баҳслари якунланди. Унда бешта жамоадан 48 нафар спортчи голиблик учун беллашди.

• Наманган вилоятининг ёш мўйқалам усталари ҳар йили тасвирий санъат ихлосмандларини ўз ишлари билан хурсанд қилиб келишмоқда. Яқинда уларнинг уч нафари — Фахриддин Султонов, Муҳаммад Турсунов ва Шерзод Исмаилов вилоят ўлкашунослик музейи залларида ўз асарларини намойиш этди.

Жаҳонда

• Хитойнинг Шанхай шаҳрида автомобил салони очилди. Жаҳоннинг энг йирик автомобил концернлари қатнашаётган шоуға 300 мингдан ортиқ ихлосмандларнинг келиши кутилмоқда.

• Россия Федерацияси Фаластин мухториятига Куролли кучлар таркибидан чиқарилган иккита Ми-17 вертолети ҳамда 50га яқин зирхли машиналарни туҳфа этди.

• Сотувлар ҳажмини тушириб кетиши ҳамда ишчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳаракатларининг ошиши сабабли жорий йилнинг биринчи чорагида Американин хажонга машҳур General Motors (GM) корпорацияси кўраётган зарар миқдори 1,1 миллиард долларга етди.

• Бугун Бангкокда синхрон сузиш бўйича Таиланд очик чемпионати бошланди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси ҳам энг кучли таркибда иштирок этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧАИ

Мазкур кўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг «Узагромаш-сервис» ва «Ўзбек ипаги» уюшмалари тизими қорхоналаридаги ижросига оид масала кўриб чиқилди.

Иқтисодий амалиётга мубофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишнинг асосий тамойилларини

амалга ошириш учун мустақкам замин экани таъкидланди.

Йиғилишда номи зикр этилган уюшмаларда мазкур қонуннинг амалдаги ижроси бўйича муайян ишлар бажарилаётган бўлса-да, бир қатор камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилгани кайд этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗА

да қатнашиб фахрли ўринларни, Америка давлатида математика фанидан ўтказилган 42-халқаро олимпиадада кумуш медални, Японияда ўтказилган 44-халқаро олимпиадада битта кумуш ва битта бронза медалларини олишга мушарраф бўлганлар.

Шунингдек, Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабнинг 6 нафар ўқувчисига қуйи синфларда мустақил равишда машғулот ўтказиш рухсатномалари берилган.

Тадбир мактаб-интернатдан ташриф буюрган 5 нафар ўқитувчи ва 10 нафар ўқувчилар билан савол-жавоб тарзида мuloқотлар бўлиб ўтди. Мактаб директори Тўхтамурод Жумаев бугунги кундаги ютуқларнинг асл моҳияти, ўқитиш жараёни тартиб-қоидалари хусусида сўзлади.

Семинар-тренинг якунида республикамиз ёшларининг ҳар бир соҳада жаҳонга юз тутишлари борасида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди, ўқувчиларни жаҳон миқёсидаги фан олимпиадаларига тайёрлаш дастури, директорлар гуруҳлари билан ишлаб чиқилди ва бу борада йўл-йўриklar қўрсатилди. Мунозара, мuloқоза ва савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбир барча иштирокчиларга манзур бўлди.

Тадбир сўнгида мазкур институтнинг маънавий-маърифий ишлаб бўйича биринчи проректори Собир Зияев, иқтисодли болалар мактаби, ўқитувчилари ва ўқувчиларига эсдалик совғаларини топширди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий билим юртлирига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгаририлган, янги муддатлари белгиланган Фармойиши қабул қилинди.

Абитуриентларнинг ҳар йилиги тест синовлари 10 июлда, курсантларни Олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул қилиш 15 июлда ўтказилади.

Ушбу чора-тадбирлар:

биринчидан, Олий ҳарбий таълим муассасаларини курсантлар билан ўлдирши сифатини янада яхшилаш учун пухта тайёрланган ёшлар орасидан номзодларни танлаб олишни таъминлаш;

иккинчидан, муайян сабабга кўра ҳарбий билим юртлирига кириш учун қабул тестларидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув юртлирига ҳужжат топширишга улгуриши мақсадига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

Семинарлар

ИАҒОР ТАЖРИБАЛАР — ҲАЁТГА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институтида «Тўхтамурод Жумаев раҳбарлик қилаётган мактаб-интернати ўқувчиларининг республика ва жаҳон олимпиадаларида голиб чиқишининг сирини нимада?» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренингни ўтказишдан мақсад, дейди А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти ректори, профессор Жўра Йўлдошев, — ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда бу борадаги олиб бориладиган ишларни янада чуқур ўрганиш, ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Президентимизнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Юртбошимизнинг 2004 йил февралда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмади» мавзусидаги маърузаларида раҳбарлар олдига қўйилган талаблар ва вазифаларни амалга ошириш масъулиятини ҳис қилиш келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни мустақил ҳаётга ҳамда касбга тўғри йўналтириш, мамлакатимиз ютуқларини жаҳонга ёйиш борасидаги олиб бориладиган ишлар мазмунини яна бир бор семинар-тре-

нинг қатнашчиларига етказишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Мазкур тадбирда Республика Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, А.Авлоний номидаги малака ошириш марказий институтини профессор-ўқитувчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган умумий ўрта таълим мактабларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Иштирокчиларга Тўхтамурод Жумаев раҳбарлик қилаётган 1-ихтисослаштирилган иқтисодли болалар мактаб-интернати фаолияти ва педагогик жамоа ютуқлари таништирилди.

Дарҳақиқат Қорақул туманидаги мазкур мактаб-интернат битирувчиларидан 9 нафари хорижда таълим олиб қайтишган, 3 нафари Руминияда бўлиб ўтган жаҳон олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллаган.

Жанубий Корёя пойтахти Сеул шаҳрида математика фанидан ўтказилган 41-жаҳон олимпиадасида 2 нафар ўқувчи қатнашиб 3-уринни эгаллаб бронза медалига, Индонезияда ўтказилган 1-Осиё халқаро олимпиадаси-

физика, ахборот ҳисоблаш технологияларининг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

• **ШАХРИМИЗДА** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди.

• **ШАХРИМИЗДА** фаолият юритаётган «Монада-Омон» тиббиёт марказида шифокорлар саъй-ҳаракати билан ҳаракат таянч аъзоларини даволашнинг янгича услуби йўлга қўйилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат

юридик институтиди бўлиб ўтган «Солиқ қонунчилиги муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман Япониянинг халқаро «Жай-ка» ташкилоти томонидан уюштирилди.

• **ЎТГАН** куни Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтиди «Мактаб кутубхоналари истиқболли» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида «Камолот» ЕИХ

туман кенгаши ташаббуси билан туманнинг фаол ёшлари иштирокида «СПИДга қарши кураш» мавзусида тадбир ташкил этилди.

• **293-МАКТАБДА** мини-футбол бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақалар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни
Янгиликлар, воқеалар

Кўчра

• **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетиди талабалар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган анжуман «Аёл маънавияти» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** ахборот технологиялари университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Математика,

Шарқ дурдоналари

ОЗ ОЗ УЎНГАНИ
ДОМО БУЎН...

● Бузургмехр айтади:

— Билгинки, ҳақим ўз табиати билан куйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан кўриб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етиша олмайдиган нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

● Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз кадрини синдирмоқдир. Очқўз кишини очқўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суяноқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

● **Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, Ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга.**
Кўполликни ташлаб, лутфингни кўрсат, Токи тўп тушмагай соғлом кўзингга.
Бировнинг гийбатин қилмагин асло, Ночорлик боқмагай нурли юзингга.
Ҳар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг, Заҳар кўшмай гапир ҳар бир сўзингга.

● **ҲИҚМАТ:** Ҳақимларнинг ҳикматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт:
Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда, Ундан баттар нима? Биласанми ҳеч? Ёмон улфат билан яшамоқ эрур, Бундай кишилардан узоқ юру кеч!

● Саҳий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феъли ва фасод табиати кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни бошлаб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

Байт:
Ҳар кимнинг бор экан танида жони, Ким билан сўзлашса, бўлар таъсири.

● **Ёмонлик бўлмаса кишининг афёоли, Доим яхши билан хуш суҳбат қура.**

● Оғирчилик ва ғамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишартада ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

Суҳбат учун топсанг доно кишини, Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор.

Одам ёққан фақир доно суҳбати, Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!



БИЛИМДОНЛИК, ҚУВНОҚЛИК, ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

дилларга ғурур, ифтихор бағишлади

Ёшлар — келажатимиз, эртанги кунимизнинг умидбахш, чароғон юлдузлари. Болажонларнинг шодон, қувноқ, беғубор кулгулари жаранги бутун оламни тўлдирса деймиз.

Кунни кеча шаҳримиздаги муҳташам Халқлар Дўстлиги саройи келажак гулгунчалари бўлган болажонлар билан ғавжум, бахтли болаликнинг пок орзулари билан нурафшон бўлди. Камалак жилосидан нур олиб яшнаб турган саҳнада таралган қувноқ куй-қўшиқлар гўёки оламни тутди. Давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик туфайли «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг IV анжумани мана шундай тантанавор руҳда ўтди.

Маълумки, «Камалак» болалар ташкилоти 2001 йил 15 июнда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигида ўз фаолиятини бошлаган эди. Ташкилот ўз сафига 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшларни бirlаштириб, уларнинг жаҳон андозалари даражасида илм ва маърифат соҳиблари, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб вояга етишларига ўз хиссасини қўшишга интилиб келмоқда.

Уч йилдан бери анъанавий тарзда «Камалак» болалар ташкилотининг анжумани ўтказилиб келинмоқда. Унда ўқув йилида фаоллик билан иш олиб борган, сафларини аълочи, жамоат-

чи ўғил-қизлар билан тўлдирган, тadbиру учрашувларни ўтказишда жонкуярлик кўрсатган, иқтидорли ва серғайрат мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари «Камолот» сардорлари «Камолот» мукофоти билан тақ-

дирланмоқда ҳамда I-синф ўқувчилари «Камалак» болалар ташкилоти сафига тантанали равишда қабул қилинмоқда. Шаҳримизнинг II та туманидан саралаб олиниб, қатнашчиларнинг гулдӯрос қарсақлари остида мукофотланган, ҳаяжонини ифода этолмай, эътибор ва ишончини янада яхшироқ илм олиб, фаоллик кўрсатиб оқлашни кўнгилларига тугиб турган бир гуруҳ сардорлар билан суҳбатлашдик.

Азимжон Ҳусанов, Шайхонтоҳур туманидаги I41-мактаб ўқувчиси: — Ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб бера олмаيمان. Мақсад сари олға интилиш шiorим. Ҳаётда орузларим жуда катта, албатта қийинчиликлар ҳам бўлади, лекин уларни енгиб ўтишимга ишонаман.

Жаҳонгир Лутфуллаев, Юнусобод туманидаги, 326-мактаб ўқувчиси: — Арзимас хизматимнинг мукофотланиши менга қанот берди деб уйлайман. Сафларини олов қалбларни бирлаштирган «Камолот» албатта ўз мақсадига етади, бу йўлда ҳар биримиз ўз хиссамизни қўшамиз.

Тadbирда сўз олган «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчехра Олимжоновалар шодиёна кун билан барчани қўтлаб, юртимиз узра ҳар кун қулоч ёзаётган бунёдкорлик, яратиш, яшнатиш ишларида бир сафда туриб ҳисса қўшишларига тилак билдирдилар.

Байрам шодлигига янада файз киритиб «Томоша» болалар гуруҳи, Тоҳир Содиқов, Дилноза Исмиёнова, Манзура каби эстрада юлдузлари ва таниқли санъаткорлар ижросида шўх рақс, куй-қўшиқлар янгради. Бир сўз билан айтганда билимдонлик, гўзаллик, қувноқлик байрами қатнашчилар қалбига узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

Шoиpa МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: муҳташам Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтган тadbирдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда мусиқа санъати соҳасида кўплаб ижодкорлар самарали изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг йирик мусиқа асарлари яратиб борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Маънавият

МУСИҚА ИЖОДИЁТИ ТАЛҚИНИ

«Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари» деб номланган китобнинг юзага келиши ҳам айни муддао бўлди. Кўзга кўринган мусиқашунос олим, профессор Аҳмаджон Жабборовнинг кўп йиллар изланиши маҳсули сифатида бу нашр юзага келди.

Шунингдек, мусиқашунос олимлар илмий фаолиятларига онд мақолалар ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Анвар ВАЛИЕВ

Транспорт

ҲАРОЛЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Биринчи апрелдан бошланган бу тadbир биринчи майга қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиши билан уюштирилаётган бу ойлик йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётир. «Тошшаҳарйўловчи» акциядорлик компанияси ҳам мазкур ойликда фа-

олик кўрсатиб, қатор тadbирларни амалга оширмоқда. Транспорт ва пилёдалар, жумладан болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилашга эътибор қўйлатирилади.

Кўплаб техник ходимлар жалб этилди. Ахборот берувчи техник ашёлар тайёрланади, мурожаат, эслатма ва эълонлар йўловчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Жойларда «Йўл қондаси — умр фойдаси» шiori остида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Ахбар АЛИЕВ

Тadbирлар

ЙЎЛ-ЙЎРИКЛАР КЎРСАТИЛДИ

Кунни кеча Сергели политехника касб-ҳунар коллежиде «Маънавият ва маърифат» маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлимидаги ҳамкорликларида ўқувчи қизлар иштирокида ташкил этилган тadbир қизларни ҳаётга тайёрлаш масаласига бағишланди.

«Маънавият ва маърифат» маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими, туман ФХДЁ бўлими, туман вояга етмагандар билан ишлаш комиссияси, туман меҳнат бўлими вакиллари иштирокида уюштирилган тadbирда эндигина вояга етиб келаятган, мустақил ҳаёт оstonасида турган қизларга фойдали маслаҳатлар берилди, йўл-йўриқлар кўрсатилди. Унда сўзга чиққан туман вояга етмагандар билан ишлаш комиссияси инспектори Фаина Сотникова, ФХДЁ бўлими мудираси Арофат Рустамова, туман меҳнат бўлими бошлиғи Холида Низомова, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч пункти бошлиғи Санобар Абдуллаева-лар оила муқаддас кўрғон эканлиги, унда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида бўлиши лозимлиги, шу боис янги ҳаёт оstonасида турган қизлар энг аввало оқила, ораста, доно, пазанда ва албатта бирор бир ҳунар эгаси бўлишлари шарт эканлигига эътиборни қаратишди. Энг аввало қизлар соғлиғига эътиборли бўлиш лозимлиги, айниқса гигиена қондаларига риоя этиш, тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиш зарур эканлигини давра суҳбатида қатнашган 37-поликлиника гинеколог шифокори Гулсара Эшонқулова йиғилганлар эътиборига яна бир қарра эслатиб ўтди.

Баҳсу мунозара тарзида давом этган давра суҳбатида қизлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтарган тadbир мутаасиллари ўқув муассасаларида бу каби давра суҳбатларини мунтазам ташкил этишга келишиб олдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

Шунақаси ҳам

билади

**ИЛОЖИ
БЎЛМАГАЧ**

Перулик икки ёшли Ко-ролина исмли қиз беш ой-дан бери касалхонадан чиқа олмайди. Шу вақт давоми-да у ота-онаси билан кўри-ша олгани йўқ.

У ёнгиндан жароҳатланган-лиги туфайли Чимбот шаҳри яқинидаги госпиталга оғир аҳволда келтирилганди. Қиз-нинг ота-онаси икки ойга 100 минг солик миқдорига пул тўлаш учун врачлар билан ке-лишганди. Лекин жароҳатни даволаш вақти борган сари чўзилиб кетди, баҳоси эса ҳозиргача ярим миллион со-ликга етди.

Бу катта суммани тўлай ол-маган ота-она ўз қизини кўришдан маҳрум бўлаётди. Ким билади бу мусибат яна қанча вақтгача чўзиларкин?

Ҳаловатсиз олам

**ЖАЗОНИНГ
АНТИҚА УСУЛИ**

Мюнхен суди 62 ёшли Сильва Клаустрейни олти ярим йилга озодликдан маҳрум қилди.

Бу аёл озгини ланг очиб, қаттиқ ухлаётган эрининг озги-га кулдондаги кулларни тўққан. Сўнг эса иссиқ ишто-нини (гомашини) олиб фафла-да ётган эрининг томоғидан ўтказган ва бўғиб қўя қолган...

Судда маълум бўлишича, марҳум қарийб ҳар кун ичиб келарди ва хотинини урарди. Жондан тўйган Сильва охириги чора сифатида шу йўлни тан-лаган экан.

**ТАШВИШГА
ТУШИШМОҚДА**

Кун сайин гарб мамлакат-ларида ишлаб чиқарилаёт-ган ичимликлар япон истеъ-молчиларини ўзига кўпроқ тортмоқда.

Бунга сабаб — борган сари кўплаб япониялик ёшлар гарб фильмлари ва романлари қаҳрамонларига илҳос қўйи-шиб, уларга ўхшашга ҳаракат қилишаётди. Шу боисдан ҳам гуручдан тайёрланган япон арогининг бозорига касод. Бун-нинг олдини олиш учун Гинд-за шаҳрида япон ароги тари-хига оид реклама маркази таш-кил қилинди. Бу ерга келув-чилар арогининг бир неча тур-рини бепул татиб кўришлари мумкин.

**СУРАТГА
ОЛИШДИ**

Германия Федератив республикасининг Годен-хагене шаҳридаги ҳайво-нот боғи хизматчиси бир фотографини йўлбарс билан ўзини эсдалик учун сурат-га туширишга зўрға кўндирди.

Улар автомашина билан йўл-йўл йирткичлар сақлана-диган тўсиқ ортига кириб ке-лишди. Тўсатдан хизматчига йўлбарс ташланиб қолди. Фо-тограф кўрққанидан фотока-мерасини ташлаб қочиб кет-ди. Ҳайвонот боғи хизматчи-сига яна ўн битта йирткич таш-ланди. Уни бошқа хизматчи-лар ёрдамида зўрға кутқариб қолишди. Жабрланувчи ҳозир касалхонада даволанмоқда.

Манзилга етдим ҳам. Трол-лейбусдан тушиб яна ортага тер-муламан... Йўқ! Мен излаган азиз киши энди кўринмасди. Уйим томон юриб кетдим. Мана шу кўчалар, мен босаётган мана шу йўлдада дадагинаминг ҳам мен учун азиз излари қолган-ку, дейман. Ахир мени соғиниб, фарзандимни кўраман деб узок шаҳардан бу тарафга бир неча бор келгандилар... Кошки, энди ўша ташрифларнинг бирорта-сини қайтариб бўлса! Кўчалар-дан изларини излайман, изла-рига зорман.

Ховлига паришон кириб бор-дим. Юмшоққона яқандозлар тўшалган айвоннинг тўридаги бўш жойга кўзим тушди-ю, кўнглим яна ўқиб кетди. Ўша мен учун мўстабар бўлган жой-га узок тикилиб қолдим, тасав-вуримда дадамлар ўтирибди-лар-у, "Хорма қизим, келдинг-ми?" дегандек. Қулоғимга ўрна-шиб қолган дадамнинг овози-ни эшитгандек бўлдим. Юрагим бир нафас ширин ҳаяжонларга тўлди. Аммо, хиёл ўтмай ич-ичимдан чўқур кўрсиник, кел-ди-ю, бошимни қўйи эгиб қўйди. Энди йўқ, мен учун табаррук бу инсон сира қайтиб келмайди...

Хомуш турганимдан ажаблан-ган фарзандим юзимга тикилиб: — Ойижон, чарчадингизми, — дея сўради, лекин бола эмас-ми, келтирган совғаларимни олиб, қувониб, меҳрибончили-гини ҳам дарров унутиб, ўйнаб қикиб кетди. Ортдан ўйчан ти-

клиб қолдим...

Хаёл узоқларга олиб кетди. Бундан бир неча йил аввал да-дам бир келганларида унда ўғлим Баҳодир бешими, олти ёшларда эди, дадамлар уни ўзлари билан бирга она юртим-

ранги-рўйи қип-қизил, қувнок Баҳодирни етаклаб кириб кел-дилар, қувонишиб кетдик.

— Бувим бериб юбордилар, менга ҳар доим анор берарди-лар, деб шойи чорсудаги анор-ларни кўлимга тўқазди Баҳо-

**ЎКИНЧ
ҲИКОЯ**

Одам одамга шунчалик ўхшайди-ми-а? Троллейбусда ой-надан ўйчан қараб борардим. Йўлдада кетаётган оқ кўйлак-ли кишини кўрдиму юрагим орзиқиб кетди. "Дадам", деб юборсам бўладими! Ойнадан бошимни чиқариб ҳалиги ки-шга яхшироқ қарадим. Қуюқ қошлари остидан қулиб боқа-диган жонсарақ кўзалари-ю, кексалигига қарамай нур ёғилиб турган қизил юзлари, мош-гуруч соқол-мўйлов, бўй-басти, юриши-чи тавба-тавба худди падаримнинг ўзиниси-я! Хатто томоғидаги қўш тугмали оқ ёқасини туртиб турган тухум-даккина бўқоқчача ўхшайди. Троллейбус узоқлаша ҳамки, орқага ўгирилиб, ундан кўзимни узолмасдим. Бежо тепаёт-ган қалбим ўша томон талпинар, хаёлан дадажонимнинг тоғ-дек ёлқасига бошимни кўман, тўйиб-тўйиб кучган бўламан.

га олиб кетган эдилар. Орадан хафта, ўн кун ўтди. Лекин да-дамдан дарак бўлмади. Хат ёздиқ, чакиртирдик, ха деган-да келишавермади. Фарзандни соғинишдан оғири бўлмас экан. Хатто, дадамдан ранжиган ҳам бўлдиқ. Дарҳол "Тездега етиб келинглар" деб телеграмма ёздиқ. Икки кўзим йўлда. Уйда ортиқча гап ҳам юракка сигмай-ди. Баҳодир ҳаммаёқни хувил-латиб кетган.

Ўн саккиз кун деганда дадам

дир. Дастурхон атрофида ўтирар-дик. Дадам майин табассум билан кўзларимга тикилдилар. Жонсарақ кўзларида ўкинчми, гинами сездим:

— Болам, ўлгини соғинди-ларингми? — сўрадилар, — фар-занд шунақа ширин бўлади, — вазимин гап бошладилар — Кўзингдан нарироқда бўлса ха-вотир оласан, соғинасан, кек-сайганда-ку айниқса!

— Ҳа, энди дада, ҳавотир ол-

Фавкуллода вазиятлар

**МАШҚДА ҚИЙИН
БЎЛСА...**

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг асосий вазифаларидан бири фавкуллода вазиятларда тўғри ҳара-кат қилишга ўргатиш, содир бўлган ҳолат-лар оқибатларини бартараф этиш, кимё-вий-бактериологик моддалар борлиги аниқланганда, террористик кўпурчилик ҳолатлари содир этилганда аҳолини хав-фсиз ҳудудга ўтказишга ўргатишдир.

Шу мақсадда кунга кеча 1-республика тиббиёт коллежида махсус ўқув машқи ўтказилди. Коллеж-нинг кимё эҳсосида номаълум газ ҳиди атмо-сфера ҳавосига тарқалди. Ҳукувчилар ва ўқувчи-ларда ўзини ёмон ҳис қилиш, кўз ёши оқибди, кўнгил айниши, қўз, томоқ ва бурунда ачиши ҳолатлари пайдо бўла бошлади. Коллеж раҳбари-яти зудлик билан воқеа тўрисида Тошкент ша-ҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг "050" рақамли телефонига хабар берди. Коллеж дирек-торининг буйруғи асосида ўқув масканида дарс тўхтатилди. Тошкент шаҳар Фавкуллода вазият-лар бошқармаси бошлиғи, полковник Э. Икромов раҳбарлигида воқеа жойига етиб келган кутқарув-чилар ва пойтахт фуқаро муҳофазаси хизматла-рининг ишлари мувофиқлаштирилиб борилди.

"Кутқарув хизмати" кутқарувчилари С.Қузин, В.Пан, С.Набиев, С.Тошмухаммедов, К.Юсупов, Н.Номозов томонидан бинонинг юқори қаватида қолган коллеж хондимилари ва ўқитувчилари аль-пинистик асбоб-анжомлар ёрдамида наастга ту-ширилиб, коллеж яқинида жойлашган тиббиёт му-ассасаларига юборилди. Коллеж биносига жой-дан барча хондими-лар ва талабалар хавфсиз қол-га ўтказилди. Жабр кўрганларга 1-тиббий ёрдам кўрсатилди.

2200 нафар ўқувчи талабалар, 107 нафар ўқитувчи ва жами бўлиб 2386 нафар хондими-лар иштирок этган тактик машғулот "Коллежнинг кимё синфида номаълум газ атмосфера ҳавосига тар-қалганда, коллеж раҳбари, ўқитувчи ва ўқувчилари тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, содир бўлган фавкуллода вазият оқибатларини бартараф этиш ва Фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳамкор-лигидаги ҳаракатлари" инавзусида бўлиб ўтди. Кол-лежнинг 2-курс ўқувчилари учун ўқитилаётган 35 соатлик "Фуқаро муҳофазаси" ва 35 соатлик "Тиб-бий билим асослари" фанларининг назариясини ўқувчилар амалиётда синадилар.

— Бу тадбир ўқувчилар билан бирга ўқитувчи-ларга ҳам жуда маъқул бўлди, чунки ўқитувчи-ларимиз тиббиёт ходими сифатида ўқувчиларга ва аҳолига ҳар қандай вазиятда тез ёрдам бера олиши шарт. Фуқароларни, фарзандларимизни асраш учун ҳамкорликда ишлашимиз айти мудо-давийр, — дейди коллеж директори Мавлуда Зи-яева.

Коллеж раҳбарияти ташаббуси билан ўтказил-ган ўқув машғулотини ҳар томонлама фойдали бўлди, эеро ҳар биримиз фавкуллода ҳолатлар юз берганда қандай ҳаракатланишни билишимиз ва доимо бунга тайёр бўлишимиз лозим.

Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА

Шифокор оғоҳлигини рағди

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёнгарчиликлар туфайли замбу-руғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпади.

**ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИКОРИНДАН
САҚЛАНИНГ**

Ер юзиде замбуруғларнинг 100000 дан ортиқ ботаник турлари мавжуд бўлиб, улар-дан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқ-лидир. Ўзбекистон ҳудудида замбуруғлар-нинг 300 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шу-лардан 25 туринигина истеъмол қилиш мум-кин Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «қўзиқоринлар» деб атайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоя-тида, ҳар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тай-ёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқо-ринлар маъданили моддалар, оксил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб витаминлар-га жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган қўзиқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник тур-лари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай қўзиқорин турларини маҳаллий аҳоли ўза ибораси билан заҳарли ўсимлик — «қурбақанинг сallasи» деб атайди.

Бу турларга мансуб қўзиқоринлар тарки-бида гелвельеи кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксик ва бошқа заҳарли модда-лар мавжуд бўлиб, бундай қўзиқоринларга қанчалик ишлов берилмасин, улар таркиби-даги заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайна-тилганда зарарсизланмайди, оксиген тасви-рида оксидланмайди ва оксизон-ичак фер-ментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибат-да истеъмол қилган кишиларни заҳарланишга дучор қилади. Шундай ўткир заҳарли қўзиқо-рин турларидан бири «Лепиота» деб атала-ди. У шахримиз ҳудудидаги боғларда, қаб-ристонларда, сайхон жойларда дарахлар те-варағида ва бошқа жойларда ҳам учраб ту-ради. «Лепиота» барча қўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсди, уни истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади.

Республикамизнинг баъзи жамоа ҳўжалик-лари ва ширкатларига махсус иссиқхона-ларда истеъмол учун яроқли бўлган «Вешан-ка» ва «Шампиньон» қўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун руҳсат бе-рилган. Бу ҳўжалик ва ширкатларда етишти-рилаётган қўзиқоринлар ва улардан тайёрлан-ган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиги учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулот-лар учун гигиеник сертификат берилади. Ана шундай гигиеник сертификатга эга бўлган қўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулот-ларни савдо шохобчаларидан харид қилиши-гини тасвия этишимиз.

Заҳарли қўзиқоринларни билмай истеъмол қилган кишилар орадан 6-12 соат вақт ўт-гандан сўнг кўнгли айнаб, тез-тез қайт кила-ди. Уларнинг ошқозон-ичак фаолияти бузи-лади, қоринда оғрик пайдо бўлиб бутун аъзои-бадани бушашиб кетади.

Қўзиқорин таркибидеги заҳарли моддалар жибар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлай-ди. Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вуж-удга келган тақдирда, беморга 5-6 пилла илик намақобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси овилиши керак. Агар меъ-да овилиб, меъдани заҳарли моддалардан хал-ос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш анда оғир кечади. Бу бемор-ларни уй шароитида билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолинг олдини олиш учун зудлик билан ши-фокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

Шўхрат ЮСУПОВ, Эпидемиология назорати маркази ов-қатланиш гигиенаси бўлими мудири.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Диққат!

“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”ДА ЯНГИЛИК!

“Тошкент почтамати” ва “Тошкент шаҳар телефон тармоқлари” ҳамкорликда 2005 йил 21 апрелдан бошлаб бош почтаамтда ва йирик почта алоқа бўлимларида шаҳар телефон тармоғи абонентларидан хонандоғи телефон учун ойлик тўлов ва теле-фонда кредитга халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув тўловларини янги, тақомиллаш-тирилган техникалар ёрдамида нақд пул ва пластик карточалар орқали қабул қилиш бошланди. Бу хизмат ёрдамида абонент қарзининг миқдори бир зўлда аниқланди тўлов қабул қилинади ва узиб қўйилган хонадон телефонини шу кунги ишлатиб бе-риш қафолатланади.

“Тошкент почтамати” ва “Тошкент шаҳар телефон тармоқлари” маъмурияти.

Сўқибол

**БИРИНЧИЛИК
БАҲСЛАРИ
БОШЛАНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорликларида **БУГҮН 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларига старт берилди.**

Анджон шаҳрида бошланаётган ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларнинг терма жамоалари ўзаро кураш олиб боришади. Дарвоқе, шахримиз ҳамда вилоятлардаги олимпия захиралари коллежлари ўқувчиларидан таркиб топган 16 жамоа мусобақаларда тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун майдонга тушади. Шунга эслатиб ўтамиз, футбол мутахассиси А.К. Лепиков мусобақага бош ҳакамлик қилса, Ўзбекистон футбол федерациясининг етакчи мутахассиси М. Ғуллом раҳбарлик қилади.

Биз эса шахримиз терма жамоасига омад тилаймиз. Ушбу биринчилик баҳслари 30 апрелда ниҳоясига етади.

**ЯНГИ ЖУРНАЛ
ЧОП ЭТИЛАДИ**

Миллионлар ўйини — футбол ривожига матбуот нашрларининг ўрни бекиёс.

Авваллари Ўзбекистон футбол федерацияси муассислигида «Наш футбол» ҳамда «Бизнинг футбол» журналлари чоп этиларди. Аммо, айрим сабабларга қўра мазкур журналлар муштарийлар қўлига етиб бормаётганди. Мамлакатимизда футбол ривожига кўпроқ ҳисса қўшиш, миллионлар ўйинини келажимиз ворислари — фарзандларимиз орасида янада оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси хайрли ишга қўл урди. Қуни кеча Ўзбекистон футбол федерациясидан олинган маълумотларга қўра июнь ойидан бошлаб янги «УФФ журналы» чоп этилади ҳамда муштарийлар қўлига етиб боради.



**«ГОЛ»
ЛОЙИХАСИ
БЎЙИЧА**

Маълумки, **ўртимизда ФИФАнинг «Гол» лойиҳаси бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.**

Ҳал шундаки, ўтган йилнинг кузида Ўзбекистонга ташриф буюрган ФИФА президенти жаноб Йозеф Блаттер ушбу лойиҳанинг моҳиятини батафсил тушунтирган ҳамда бу борада амалий ишлар бошлаб юборилган эди. Унга қўра пойтахтимизда сунъий қопламали стадион қурилиши, кейинчалик эса барча стадионлар замон талаби даражасида жаҳон андозларига мос равишда қайта тазмирланиши, болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш бўйича режа асосида бир неча ислохотлари амалга ошириш зарур.

Қуни кеча Ўзбекистон футбол федерациясида мутахассислар, журналистлар иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтди. Қувонарли томони шундаки, семинарга тақлиф этилган ФИФА ходимлари Валерий Чухрий ва Александр Чернухалар Ўзбекистон футбол федерацияси бўлим раҳбарларига ўз йўналишлари бўйича қизиқарли маълумотларни тақдим этишди. Баҳсу мунозара ҳамда савол-жавоб тарзида уюштирилган ушбу анжуман қатнашчилари «Гол» лойиҳаси бўйича келгусида бажариладиган ишлар режасини муҳокама қилишди.

(Ўз мухбиримиз)



Спорт

«ДИНАМО» ЖАМИЯТИ ҲАМИША ЕТАКЧИ

«Динамо» спорт жамиятида ушбу етакчи жамият ташкил этилганлигига саксон йил тўлиши ҳамда яшариш ва янгиланиш байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу жамият тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1925 йил апрель ойида милиция, хавфсизлик хизмати ходимлари ва чегара қўшинларининг дастлабки жисмоний тарбия жамоалари тузилганлиги ҳамда улар Ўзбекистон «Динамо» жамиятига бирлашганлигини кўрамиз.

Илк даврларданок жамият аъзолари ўртасида оммавий спорт ишлари фаол олиб борилади, спорт иншоотларини қуриш ишлари бошланади. Кейинчалик тажрибали мураббийлардан Геннадий Калеткин, Борис Гранаткин, ака-ука Зеленин ва Аблаевлар ҳамда бошқа устозларнинг сай-ҳаракатлари орқали гимнастикачи Эльвира Саади, боксчи Руфат Рискиев, сузувчи Сергей Заболотнов, велосипед спорти усталаридан Михаил Колошев ва Шохид Загретдинов, самбочилар Собир Курбонев ва Сайфуддин Ходиев, курашчилар Махарбек Хадарцев ҳамда Комил Фаткуллин каби кўпплаб Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқди.

«Динамо» вакиллари бўлмиш спортнинг ҳар хил турлари бўйича нуфузли мусобақаларда ўртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар айниқса Мустақилликка эришганимиздан сўнг улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Бинобарин, фақат Олимпиада ўйинларини оладиган бўлсак, курашчилардан Артур Таймазов ва Александр Доктурашвили, чарм кўлқоп устаси Мухаммадқодир Абдуллаевлар Олимпиада ўйинларининг чемпионлари бўлишди, дзюдочи Армен Багдасаров ва курашчи Магомед Ибрагимовларга Олимпиаданинг қумуш нишонлари насиб этди. Яна тўрт нафар етакчи спортчиларимиз ёзги Олимпиадаларда учинчи ўринларни эгаллашди. Бугунги


кунда «Динамо» жисмоний тарбия спорт жамияти ўз сафларига 112 мингдан ортиқ жамият аъзоларини бирлаштирувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг 393 та спорт жамоалари демакдир...

«Динамо» спорт жамиятининг 80 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган тадбирга бутун республикамиздан «Динамо» жамияти шарафини турли мусобақаларда ҳимоя қилаётган етакчи спортчилар, фахрийлар, мураббийлар тақлиф этилди. Улар Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа мутасаддилар томонидан Фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Эстрада юдзуларининг чиқишлари, динамочи акробат, қўл жанги, муайтай, у-шу усталарининг кўргазмалари чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятининг 80 йиллигига бағишланган тадбирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



Табиаат ажойиботлари

ДОЯ ДЕЛЬФИНЛАР

Дельфинларнинг ўта тез сузувчи жонивор экани ҳаммага маълум. Дельфин 100 метр масофани 10 сония ичида босиб ўтади. Сувнинг қаршилиги ҳавога нисбатан 800 марта кўплигини ҳисобга олган ҳолда дельфинларнинг катта тезликда сузиши сирини изохлаш юзасидан олимлар кўп бош қотиришди.

Улар ухлайдими деган саволга жавоб бериш учун олимлар дельфин миясининг биоэлектрик фаолиятини текширдилар. Дельфин миясининг иккала ярим бўлаги ҳам бир вақтнинг ўзида эмас, балки навбат билан ухлар, бири ухлаганда иккинчиси сергак бўлар экан.

Сув муҳитига мослашиш дельфинлар хулқ-атворида қизиқ ўзгаришларга олиб келди. Дельфин боласи боши билан эмас, балки дум томони билан туғилар экан. Бунда она дельфин ўзига хос хуштак ча-

либ иккинчи бир она дельфини дояликка чақирар экан. Тез орада ёрдамга етиб келган доя дельфин янги туғилган болага ёрдам бериш мақсадида уни онасидан ажратиб олиб сув бетига чиқаради ва илк бор нафас олишга ёрдам беради. Она дельфин овга кетганида доя дельфин болани кўриқлайди. Бундай ёрдам икки ҳафта давом этгач доя дельфин уларни тарк этади.

Дельфинларнинг мия тузилиши ва асаб тизимининг иш-лаш тезлиги одамларникига

**МАГИСТРАНТЛАР
АНЖУМАНИ**

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида «Архитектура ва қурилиш муаммолари» мавзuida магистрантларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги архитектура ёдгорликларига бой бўлган давлатларидан бири ҳисобланади. Мазкур ёдгорликларда халқимизнинг ўтмиш маданияти, илм-фан тараққиёти ўз аксини топган. Бугунги кунда қурилаётган янги иншоотлар, ўзига хос миллий усулларни замон талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда кадр ростилаётган биналар мамлакатимизда шахарсозлик маданиятининг ривожланаётганлигини далolat беради. Албатта, мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратиш ва уй-жойларни замонавий андозларда қуриш орқали аҳолининг турмуш-тарзи янада яхшиланмоқда. Шу билан бирга барча қулайликларга эга бўлган маданий дам олиш жойларини барпо этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Жумладан Тошкент шаҳрида бу йўналишда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, пойтахт кун сайин таниб бўлмас даражада ўзгармоқда ҳамда чирой очмоқда.

Қурилиш ишларида кўпроқ қурувчи ва муҳандиснинг меҳнати салмоқли бўлади. Бирок кўп қаватли турар жойларни бетақорр ва шинам лойиҳалаш ҳамда қуриш архитекторларнинг билим ва малакаларига боғлиқ. Мамлакатимизда худди шундай малакали ва салоҳиятли кадрларни етказишда Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг ўзига хос ўрни мавжуд.

Институтнинг магистратура бўлимида 19 та мутахассислик бўйича талабаларга билим берилади. Жорий йилда мазкур даргоҳни 82 нафар магистрант тамомлайди. Магистрантларнинг бешинчи аънавий анжуманида сўнгги йилларда архитектура, қурилиш ва иқтисодиётга доир соҳаларда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, магистрантлар ўз йўналишлари бўйича қилинаётган илмий ишлари борасида маърузалар қилишди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»**

ўхшашдир. Улар жуда мукамал ультратовушли эхолокаторга эга. Дельфинлар бир сония ичида 200 минг частотали товуш чиқаради. Одамларда товуш имкониятларининг энг юқори чегараси 20 минг тебранишга тенг.

Тюлен ва кашалотлар ҳам акс садо локациядан фойдаланадилар, кашалотлар денгизнинг қуқур қатламларига шўнғиланларида уларга эхолокация жуда қўл келади.

Сувда яшайдиган барча ҳайвонларда эхолокациянинг бундай ривож топиши уларнинг сув муҳитига ўта яхши мослашиши билан боғлиқдир. Чунки денгиз сувиди товуш ҳаводагига қараганда 5 марта тезроқ тарқалади.

Дельфин ва китларнинг ҳозирги турларининг пайдо бўлганга 25 миллион йил бўлган.

**Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.**

Манзил:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ обьект узунлиги босилган
3868 нускада босилган. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқмайди.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтмат»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.